

# Наврўзи олам муборақ бўлсин, азиз юртдошлар!

Kuch — adolatda



# Adolat


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqq boshlagan 2002 yil 21 mart juma № 12 (351) sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон — АҚШ ДАВР МУСТАҲКАМЛАГАН ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга биринчи расмий ташрифи ҳали узоқ вақт давомида нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлади.**

**Зеро, бу ташриф ҳар икки мамлакатда замоннинг янги воқеликларига мувофиқ келадиган сифат жиҳатдан янги муносабатларни ривожлантиришга бўлган қизиқишлар ўсувчанлигидан далолат беради.**



Давлатимиз раҳбари Америка заминига етиб келган дастлабки дақиқалардан оқибатда ўзгача илҳом ва меҳмондўстлик муҳити ҳукмрон бўлди.

Америка Президентимизни нафақат давлат раҳбари сифатида, балки ўзининг катъий собиллиги ва жасорати билан мураккаб дамларда бирлашган америкаликларнинг муҳаббати ва ҳурмати-ни қозона олган инсон сифатида ҳам қизгин қутиб олди.

Ташриф давомида фақат Америка Президентининг ҳақиқий дўстлари ҳисобланадиган хоржилик юқори мартабадаги меҳмонларга ажратилган, АҚШ раҳбарининг «Блэйр Хаус» деб номланган уйи Ислам Каримов қароғоҳи бўлганининг ўзиёқ юқоридаги фикрнинг исботи бўла олади.

Ўзбекистон Президентининг расмий дастури шу қадар тизим бўлиб, у нафақат кўпгина учрашув, мулоқот ва музокараларни, балки бутун кунда Америка халқининггина эмас, бутун инсониятнинг эркинлиги ва бирлигини ҳам қачонгидан ҳам ёқин хамий этайтган Вашингтон ва Нью-Йорк шарафлари билан танишишни ҳам ўз ичига олган эди.

Барча сиёсий кузатувчилар ва таҳлилчилар, давлат арбоблари ва ишбилармон доиралар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бир фикрда ақиллик изҳор этишди: Ислам Каримов ташрифи давомидаги марказий воқеа унинг АҚШ Президенти билан музокаралари бўлди.

Жорж Буш Оқ уйнинг барча бўғлида намоён бўлиб қуршовида ўзининг ўзбекистонлик олий мартабадаги меҳмонини қутлар экан, самимий хис-туйғуларини яширма-дан, ўзи учун қийин бўлган дамларда Америка халқига бирдамлик намоян қилган инсонга самимий миннатдорлигини ва алоҳида дўстона муносабатини тасдиқлаган-дек қўл узатди.

Дарҳақиқат, Вашингтоннинг Афғонистонда ҳаракат қилган катъийлиги ва унинг Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланиши ақсилтеррор кампаниянинг бутунги асосий натижаларига эришиш учун имкон берди.

Марказий Осиёда беқарорлик ўчоғи деярли бартараф этилдики, у фақат бу минтақагагина таҳдид солмас эди. Афғонистон ун йилликлар давомида биринчи мартаба ички қуролини низога нуқта қўйиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли азбосига айлашни учун реал имкониятни кўлга киритди.

Мана шунинг учун ҳам Жорж Буш Ўзбекистон халқи ўзининг эътирофи этилган етакчи Ислам Каримов бошчилигида халқаро терроризм билан куралиши ишига улкан хисса қўшганига эътибор қаратиб, Американинг мамлакатимиз билан ўзаро манфаат касб этувчи барча йўналишлар бўйича муносабатларни янада ривожлантиришга бўлган интилишини тасдиқлади.

Бошқача қилиб айтганда, бугун АҚШ амалга оширишнинг имкони мавжуд бўлган жойда Ўзбекистонга ёрдамлашга тайёрдир.

Америка Президентининг бу фикри мамлакатимиз раҳбарининг АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Дональд Рамсфелд, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг спикери Денис Хастер ҳамда сенаторлар билан бўлиб ўтган мулоқот ва музокараларида ўзининг давомидаги бўлиши тасдиқланди.

Ислам Каримовнинг қушқоқ хужалиги вазири А.Венеман хоним билан, молия вазири П.О.Нил, Нью-Йорк шаҳри мэри М.Блумберг, «Ньюмонт майнинг» корпорацияси, Жаҳон Банки раҳбарлари, Американин этакчи оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари ҳамда АҚШнинг бошқа машхур ва сиёсий арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳам ана шундай руҳда ўтди.

Шубха йўқки, интихосида 6 та шартнома ва битимлар имзоланган музокараларнинг барчаси, шунингдек, Президентимиз шарафига Америка Ўзбекистон савдо палатаси томонидан уюштирилган қабул маросими ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва диққат эътиборнинг белгиси, минтақадаги ишончли ва собил шерик эканлигини амалда исботлаган мамлакатга нисбатан самимий ҳурмат-эҳтиромнинг ифодаси бўлди.

Шу қулларда ойнаи жаҳоннинг хар бир канали орқали бир неча бор намоиш этилган биргина манзарани эслашнинг ўзи қифоа қилади: АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл мамлакатларимиз ўртасида имзоланган ҳужжатлар салмоғини яна бир бор намоиш этиш истагида гўё уларнинг вазини ул-чаб кўрдикки, бу эришилган ахдлашувлардан қаноатланганлик ифодасининг ўзига ҳақ таъкидланшидир.

Еки бўлмаса ойнаи жаҳон тасмаларига тушмай қолган бошқа бир мисол: америка халқининг энг кўзга кўринган намоёндалари — АҚШ сенаторлари — Уринларидан туриб, давоми қарасалар билан Ислам Каримовни қаршилдилар. Бу билан Америка халқи Ўзбекистон уларни қўллаб-қувватлаганини ҳеч қачон унутмаслигини ва ушбу миннатдорчилик ҳаётида яна кўп мартага ўз ибботини топишини тасдиқлади.

Эндилдики «Граунд зеро» деб юритилган собиқ Халқаро савдо маркази жойлашган ерни Ислам Каримов эйбрат этиши Президентимизнинг Америка заминида бўлиши дастуридаги ҳаёқоли воқеалардан бири бўлди.

Негаки, Тошкент учун 16 февраль ва Нью-Йорк учун 11 сентябрь оддий бир саналар эмас. Вақт ва масофада машхур бўлган фарққа қарамай, уларни яқинларининг аламу кўз ёшлари, бегуноҳ одамларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмгани биланлаштириб туради.

Ўзбекистон Президенти фожиа руй берган жойга гулчамбар кўяр экан, қурбон бўлганларнинг, жумладан, икки нафар ҳаюртимиз хотирасини ёдга олиб сукут сақлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон терроризм нима эканлигини яқини билади. Шунинг учун ҳам Америка халқининг кечинмаларини бошқалардан кўра яхшироқ тушунади.

Бутун дунёни ларзага солган воқеалар асосида Президентимиз юрифтаган сиёсат ўзининг чуқур ва ҳақиқий мазмунини намоян этди.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари билан бўлган учрашувда Америка Олий ислом кенгашининг раиси шайх Қаббоний Ислам Каримовнинг терроризмга қарши курашга қўшаётган улкан хиссасига алоҳида эътибор қаратиб, бу масалаларда у ўзини ҳақиқий етакчи қилиб курсатди, дея таъкидлагани беҳиз эмас, албатта.

Ташриф давомида жаҳон сиёсатининг тирик афсонасига айланган Генри Киссинджер АҚШнинг жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари номидан Ислам Каримовга «Халқаро микёсда буюқ давлат арбоби» мукофотини топширгани тасодифий ҳол эмас.

Шу қўнғача ҳеч кимга берилмаган ушбу фахрий мукофот Ислам Каримовга терроризмга қарши курашда АҚШга қўрсатилган мислсиз ёрдами, халқаро микёсда тан олинган раҳбар эканлиги учун топширилди.

Ха, Ислам Каримовнинг Америкага биринчи расмий ташрифи тарихга кирди. Унинг натижалари ҳақида халқ кўп ёзилади ва таҳлил қилинади.

Шубха йўқки, мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида АҚШ сиймосида бақувват ва нуфузли стратегик шерикка эга бўлди.

Бу эса жаҳон ҳамжамияти кўзи ўнгида давлатимиз обрў-эътиборини янада юқори поғонага кўтарган Ўзбекистон Президентининг оқилона ва изчил сиёсати натижасидир.

Шухрат ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.


## НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛДИ

**Ўлкамизга Наврўзи олам кириб келди. Табиатнинг гўзаллигини қаранг, олам яшарди, ям-яшил майсалар, ялпизлар илк бор ариқ лабида бўй таратди. Бой-чечак, чучумалар қаттиқ ерни ёриб илк бор гуллади. Замин ҳидини соғинган ўт-ўланлар ёқимли майин шабодада аста тебранади. Баҳор нашидасидан анҳор ўзига сиймай, тўлиб-тошиб оқади, гўё кичик тўлқинлари қувлашмачоқ ўйнашгандай. Шундай ажойиб кунда ширин хайллар оғушида бўласиз, хайлингиз ҳам тиниқ, майин, гўё анҳор суви билан бирга узоқ-узоқларга оқиб кетгандай, сувнинг шалдирашига қўшилиб кетади.**

Қаранг, қушларнинг хо-нишлари қулоққа ёқимли чалиниб турибди. Қаерда-дир хушовоз бўлбул сайи-раятпи. Қўйингки, уни тинглаб, бутун жонот ором олмакда. Мен бор-ман, хайтман деб у ўз хурсандчилигини сайра-ши-ю, хошиши билан намоян этаётгандай. Ахир бу Наврўзи олам минг-миг йиллардан бўён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Ҳатто Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Наврўздан завқланган эдилар.

Уларга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» — деб сўрадилар. «Наврўз неъматиди», — дейишди. Шунда пайгамбаримиз: «Биз учун хар кун Наврўз бўлсин!» дедилар.

Абу Райхон Беруний бундан минг йил аввал ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Наврўзини таърифлаб берган эди. Умар Хайём эса «Наврўзнама» номи асар ёзди. Ҳаттоки «Наврўз ҳадислари» деб аталувчи 10 та ҳадис қадимий қўлемалар орқали бизгача етиб келган. Бу ҳадисларнинг 70 та хосияти самарқандлик машхур олим Абулайс Самарқандийнинг «Бўстони фикр» ки-



тобида баён қилинган. Наврўз бу — умумхалқ байрами! Қаерда-дир Наврўз деҳқончилик байрами, ёшариш ва янгилиниш байрами. Шарқ халқларида Наврўзи олам кириши билан янги йил бошланади. Ҳамма янги йилда нималар бўлишини билишни истаётгандай. Ахир бу Наврўзи олам минг-миг йиллардан бўён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Ҳатто Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Наврўздан завқланган эдилар.

Уларга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» — деб сўрадилар. «Наврўз неъматиди», — дейишди. Шунда пайгамбаримиз: «Биз учун хар кун Наврўз бўлсин!» дедилар.

Абу Райхон Беруний бундан минг йил аввал ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Наврўзини таърифлаб берган эди. Умар Хайём эса «Наврўзнама» номи асар ёзди. Ҳаттоки «Наврўз ҳадислари» деб аталувчи 10 та ҳадис қадимий қўлемалар орқали бизгача етиб келган. Бу ҳадисларнинг 70 та хосияти самарқандлик машхур олим Абулайс Самарқандийнинг «Бўстони фикр» ки-

тобида баён қилинган. Наврўз бу — умумхалқ байрами! Қаерда-дир Наврўз деҳқончилик байрами, ёшариш ва янгилиниш байрами. Шарқ халқларида Наврўзи олам кириши билан янги йил бошланади. Ҳамма янги йилда нималар бўлишини билишни истаётгандай. Ахир бу Наврўзи олам минг-миг йиллардан бўён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Ҳатто Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Наврўздан завқланган эдилар.

Уларга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» — деб сўрадилар. «Наврўз неъматиди», — дейишди. Шунда пайгамбаримиз: «Биз учун хар кун Наврўз бўлсин!» дедилар.

Абу Райхон Беруний бундан минг йил аввал ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Наврўзини таърифлаб берган эди. Умар Хайём эса «Наврўзнама» номи асар ёзди. Ҳаттоки «Наврўз ҳадислари» деб аталувчи 10 та ҳадис қадимий қўлемалар орқали бизгача етиб келган. Бу ҳадисларнинг 70 та хосияти самарқандлик машхур олим Абулайс Самарқандийнинг «Бўстони фикр» ки-

тобида баён қилинган. Наврўз бу — умумхалқ байрами! Қаерда-дир Наврўз деҳқончилик байрами, ёшариш ва янгилиниш байрами. Шарқ халқларида Наврўзи олам кириши билан янги йил бошланади. Ҳамма янги йилда нималар бўлишини билишни истаётгандай. Ахир бу Наврўзи олам минг-миг йиллардан бўён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Ҳатто Муҳаммад алайҳис-салом ҳам Наврўздан завқланган эдилар.

Уларга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» — деб сўрадилар. «Наврўз неъматиди», — дейишди. Шунда пайгамбаримиз: «Биз учун хар кун Наврўз бўлсин!» дедилар.

## АРДОҚЛИ ШОИРГА БАҒИШЛАБ

Республика Миллий матбуот марказида қаҳрамонлар туркумидан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган «Абдулла Орипов» номи хужжатли фильмнинг тақдимоти ўтказилди. — Замондеш шоир ва ёзувчиларимизни китобхонлар кўпроқ улар ёзган китоблар ёки улар ҳақида ёзилган мақолалар орқали танишади, — деди фильм режиссёри Саидботир Аҳмадхўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ҳаёт ва ижод йўлини талқин этувчи ушбу асар шу уринишимизнинг илк мевасидир. Фильмда Қўнғиртов аэтагида таваллуд топган ижодкорнинг болалик йилларидан тортиб, токи халқимизнинг ардоқли шоири бўлиб етишгунча бўлган давр имкон қадар ўз ифодасини топган. Фильмда шоир ҳаётининг қўнғина кирралари қамраб олинади. Хусусан, томошабин унинг оиласи ва дўстлари даврасидаги ҳаётини билан танишибгина қолмай, балки жамоатчилик фаолиятидан ҳам кенг хабардор бўлади-лар. Тақдимотда шоирлар, ёзувчилар, журналистлар ва му-тахассислар фильм хусусида ўз фикрларини билдири-шиб, уни кенг жамоатчилик, мактаблар ва бошқа ўқув муассасалари учун муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар.

### ИСРОИЛ ЎЗ ҚЎШИНЛАРИНИ ФАЛАСТИНДАН ОЛИБ ЧИҚДИ

Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда Исроил ҳукумати амалий қадамни қўйди. Фаластин ва Исроил ҳавфсизлик хизмати вакиллари томонидан қийин шароитларда олиб борилган музокаралардан сўнг Исроил ҳукумати ўт очини тўхтатиш ҳақида қарор қилди. Шунингдек, мамлакат харбий қўшинлари Фаластиндан олиб чиқиб кетилади.

Эндиги навабт фаластинликларга. Улар келишувга қўра террорчиларини ҳисба олишлари ва аҳоли қўлида ноқонуний сақланган қуролларни йиғиштириб олиши лозим.

### «АНАКОНДА ОПЕРАЦИЯ» МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ

Америка харбий кўмондонлиги Шарқий Афғонистонда «Ал-қоида» террорчилик гуруҳи ва толибон қучларига қарши ўтказилган йирик харбий операция муваффақиятли яқунланганини эълон қилди.

Харбий операцияда 1500 аскар билан бирга Б-52 стратегик бомбардирмончи самолётлари ва жанговар вертолётлар иштирок этишди. Шох-и-кот тоғлари горларидеа ширинган юзлаб террористлар ва толибонлар йўқ қилинди. Америка томонидан ҳам қурбонлар бор.

### САДДАМ ХУСАЙН ТАВАЛЛУДИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛАР

Ироқ давлати раҳбари Садамм Хусайн шу йил 28 апрелда 63 ёшга тулади. Шу муносабат билан байрам тантаналари 17 мартдаёқ бошланиб кетди. Расмий доираларнинг хабар беришича, байрам биринчи майгача давом этиб, шу кун Тикритда йирик халқ сайили бўлиб ўтади.

### ИНСОН ХУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Женевада БМТнинг инсон ҳуқуқлари оид конференцияси очилди. Олти ҳафта давом этадиган ушбу анжуманда ирқчилик, ўлим жазоси, инсонни хўрлаш, одам-

### ЕТТИ ИҶЛИМ САДОСИ

ни одам томонидан эксплуатация қилишга қарши масалалар кўриб чиқилади.

### ИТЛАР ИЗЗАТДА

Тайландда итлар анча изза-тадга экан. Уларнинг эгалари ўз суйган жониворларини олиб, тез-тез уқаловчилар хузурига ташриф буюриб туришади. Айтишларича, бундай уқалаш инсон учун ҳам гоётда фойдали. Аммо ит уқаловчи Танит Киттиканоқ бу касб унга яхшигина даромад келтираётганини таъкидламоқда. Сабаби итларни бир марта яхшилаб уқалаш

### СОБЧАКНИНГ КИЗИНИ 18 МИЛЛИОНГА ТУШИРИШДИ

Санкт-Петербург шаҳрининг собиқ губернатори Анатолий Собчакнинг қизи МГИМО талабаси Ксения душанба кун эрталаб миллионга кўнгрор қилиб, уйига ўғриллар тушганлигини маълум қилди. Аниқланишича, ўғриллар қулфни бузиб кириб, Ксенианининг Москвадаги хонадонидан қора марваридли узук, бриллиант кўзли узук, бриллиант ўрнатилган чет эл соти ва бошқа зағрарлик буюмларини ўмариб кетишган. Барча ўғрилган молларнинг умумий нархи 18 миллион рубль деб баҳоланмоқда.

Коҳирадаги Султон ал-Ашраф обидаси.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Ханифа буви Қодировани маҳалладошлари «Маҳаллабуви» дейишди. Бунинг босиб бор. Жума ота Пирназаров номли ширкатлар уюшмаси раиси Шокиржон ака ҳар икки гапининг бири...

ди. Бешикнинг қўлбоғлари ечилган. Гудакнинг бошида опочк илон қулча бўлиб, атрофга хушёр кўз қирини ташлаб, милтиллаб боқарди. Бу ҳолни кўриб турган Музаффарнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлди. Кўзини бир неча сония чирт юмиб турди. Шу совуқ дақиқаларни кузатиб нима ҳаёлларга бормасди...

«МАҲАЛЛАБУВИ»

Узун тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси Иззатилло Иминовнинг ҳикоя қилишича, Ханифа буви босиб ўтган йўл барча учун ибратли. Буви дастлабки иш фаолиятини ёшлар етакчилигидан бошлаган...

Орадан уч кун ўтгач, болаларини етаклаган қолган эркак ва аёллар кўрка-писса хонадонига бирин-кетин кириб келишди. Музаффар ака ҳам эшикни очиб хонага кирди. Олти ойлик қизалоғи Ханифани бешикда танҳо қолиб кетганини кўриб турган жойида миҳлади...

Қашқадарё: янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Хайрли ишлар Косон туманидаги 21-очик ҳиссадорлик жамиятида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан бирга қўшимча ҳаётнинг ҳақиқатини аниқлашга эришиб берилаётган. 1920 йиллари. Алғов-далгов замонлар. Ушунда у шунчаки олти ойлик нарида гўдак гўдак эди. Босмачилар қишлоқни нотинч этиб, эркакларни ҳайдаб кетишди...

Сифатидан эл мамнун Айни кунларда Шаҳрисабзда бўлсангиз туман нон қўбинати очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари фаолияти ҳақида илқик фикрларни эшитасиз. Сабаби бу ерда тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари ҳар томонлама харидорларнинг қўлига, савад шахобчаларига чиқарилаётган. Биргина ўтган йил 804 тонна сифатли ва мазаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Утган йили жамиятга 7 та «Дамас», 1 та «Тик» ва «Нексия» русумли енгил автоташналар сотиб олинган эди. Шулар ҳисобига жамиятда янги йўналишлар бўйича транспорт йўлга қўйилди. 22 та йўналиш бўйича йўловчи ташишга хизмат қилмоқда.

Хозир ҳар бир акцияга 183 сўм 80 тийиндан дивиденд тулаш режалаштириляпти. Ха, шу кеча-кундузда жамиятда ҳар кун бир тонна нон ишлаб чиқариляпти. Асосий эътибор эса аҳоли ишончини оқлаш, сифатли нон ишлаб чиқаришга қаратилган.



Наманган вилоятининг Уйчи туманида фаолият кўрсатаётган «Ал-Жахон» ўзбек-хитой қўшма корхонаси ўтган йили 310 миллион сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди. Бу ердаги ҳар қил сифатда кадокланаётган чойларнинг харидорлари тобора кўпайиб бормоқда.

Қонунчиликнинг қадимий тарихига назар

Бундан XX аср аввал вужудга келган Рим қулдорчилик давлатининг фуқаролик ҳусусий ҳуқуқий тарихини ўрганиш

таърифлайди: «Инсонларга таллуқли бўлган одат нормаларига янгиликлар киритишнинг натижасида вақтлар ўтиши давомида иккала ҳуқуқ ўзаро қилиши натижасида янги бир ҳуқуқий вужудга келтирди».

АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Рим ҳуқуқшунослари ҳусусий мулк асосига эга бўлган энг мукамал ҳуқуқ шаклини ишлаб чиқанлар ҳамда бу ҳуқуқ товар ишлаб чиқарувчилар жамиятининг биринчи жаҳончилик ҳуқуқи асосида эътироф этилган.

амалга ошириш мақсадида барча шахслар учун тартиб қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шундай қилиб, Римда ҳуқуқ манбаларининг мураккаб (аслида уч қисмдан иборат бўлган) тизими вужудга келган.

Банклар ҳаётидан

«Ўздаббиркорбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдек долзарб вазифага қандай муносабатда бўли-наётганини ўрганиш мақсадида бу ерга келганимизда, ҳамма бўлимлар-да ишлар тартибли ташкил этилганлиги гувоҳ бўлдик.

амалга оширишга ҳозирлик қўраймиз. У ҳам бўлса, Президентимизнинг 2001 йилда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида: «Фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш, бунинг учун керак-ли манбаларни излаб топиш зарур, - деган сўзла-рини ҳаётга тadbик этиш-да муносиб ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муҳим вазифага айланган, - деди «Ўздаббиркорбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи Обид Маматқулов бизни илқик қарши олгач. - Уни молиявий қўллаб-қувватлаётганимиздан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, «Ўздаббиркорбанк»нинг Жиззах вилоят бўлими ўтган йил давомида олиб борган иш-лари ўрганганимизда, пул-кредит сибсатида инфляция даражасини пасайтириш, банк тизимидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривож-лантириш қўллаб-қув-ватлаш каби бугуннинг долзарб масалаларида ан-чагина ижобий ишлар қилинганига гувоҳ бўлдик.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Утган йили чорвачилик учун ажратилган микрокредитлар ҳисобига тадбиркорлар 386 бош қорамол, 128 бош қўй-эчки сотиб олди-лар. Натжидада вилоят аҳоли-сини фермерлар 13 минг 275 тонна гўшт, 5600 литр сўт маҳсулотлари билан таъ-минладилар.

банк билан боғлиқ муаммо-лари мини банк ходимлари томонидан ҳал этилади. - Жорий йилдаги режа-ларингиз қандай? - сўрай-миз бошқарма бошлиғидан. - Биргина бошланғич сар-моя сўраб 10 нафар тадбир-кор бизга мурожаат қилди. Уларнинг тўққуз нафарига сармоя ажратдик. Бугун-эр-та ўинчисининг талабини ҳам қондирамиз, - дейди Обид ака Маматқулов. - Мирзаҷўл туманидаги «Янги дала», «Пахтазор», Зарбор тум-анидаги «Андижон», Зомин туманидаги «Янги ҳаёт» мини банкларимизнинг мо-дий-техника базасини яна-да яхшилашни, яна қўшимча шундай мини банклар таш-кил этиб, қишлоқдаги тад-биркорнинг ташвишларини қамайтиришни, мажуд мини банклар билан модуд ало-қаларини йўлга қўйишни ре-жалаштирганмиз.

Large advertisement for 'Muxtarim Yurtdoشلar' (Independent Citizens) with decorative floral borders and text promoting local products and community support.

# Наврўз келди ям-яшил қучоғин очиб, атрофга гул-чечак атрини сочиб!



Тўқсон кунлик совуқ, зерикарли қишдан кейин ҳар йили қишлар қувончига қувонч қўшиб Наврўз келди. Қўпгина шарқ халқлари сингари ўзбек халқи ҳам бу Янги кун—гулбахор чирои очадиган кунни эъзозлаб байрам қилади. Ер юзининг қўп жойларида амал қиладиган Георгий таквими буйича йилнинг учинчи ойи — март ойи бошланади. Бу ойда ҳаво аста-секин исий бошлаб, майсалар ердан бош қўтардилар. Дарахлар гулга ўрадилар. Шу кунги кун билан кун тепла-тенг бўлади. Элимиз хишси омон-эсон чиққани учун жойларда аёлларимиз биргалишиб сумалаклар пиширадилар, эркаклар эса каттақон дошқозонларда ҳалим тайёрлаб, маҳалла-куйга улашдилар. Байрамнинг илк кунидан Ҳамал кирди, Ҳалимиз «Ҳамал кирди, амал кирди» деб, ерға ишлов беришни урғу сочишни бошлаб юборди. Ҳар бир ноадада куртак унади. Бу йилги Наврўзимиз От (Асп) йилининг бошланғичи ҳисобланади. Хирири-шамсики 1361 йил, жирийи-қамарий 1428 йилининг янги биринчи кунидир. Мусулмонлар олами кутлуг хирири-қамарий, яъни Ой ҳисоби йилга амал қиладилар. Шу боис мусулмонлар, мадраса ва қабристон дарвозалари ҳамда авлиёлар мақбаралари тепасидан Ой белгисини тўради. Шунингдек, От йилида йилкичиликда зотли отларнинг кўпайиши, шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг ажб олиши ҳам юқоридаги қадимий китобда айтиб ўтилган. Ҳалимизда От йили икки хил бўлиб, «Оқ от» ва «Қора от» дея таърифланади. Булар бир мучалда, яъни ўн икки йилда ўрин алмашадилар. 1990 йили Оқ от йили эди, бу йилги эса Қора от диди. Оқ от йилида от спорти турлари ва мўҳмондорчиликка, сайрага Наврўз бошқарув отлари кўпайиб, қора от йилида деҳқончиликда кут-барақа бўларкан. Сабаби, Қора от меҳнатқаш от тури ҳисобланаркан. Анъанавий урф-одатга қўра, байрам кунлари ялчачи онагон, опахоилар От йили ҳақида лапар тўкиб, қуйдагича хониш қиладилар:

Бог кўчадан дўпир-дўпир от келади,  
Гулга айтиб, кувё йигит шод келади.  
Гул-чочақлар тақиб олган Баҳорнинг  
Тулпор минган Наврўз ботир мос келади!

Қадимий қомусларда изоҳ берилишича, Наврўзни ҳамма жойда ҳар хил тусда — биринчи умумий, биринчи эса маҳсул кўтишаркан. Умумийси — Кичик Наврўз, маҳсулси — Катта Наврўз деб эътибор этилди. Кичигини бундан беш минг йил илгари Шоҳ Жамиш ўз тахтида осмонга кўтаришган кун дейишса, каттасини у эсон-омон она ерға қўнган кун дейишаркан. Осмонда юрган бир ҳафтани улғу анём ҳисоблаган. Шу боис, Наврўз дастурхонга етти хайб, таом қўйиб, мўҳмон кўтишаркан. Ҳа, нима бўлганда ҳам янги йил — янги фаслнинг кириб келиши қувончли. Одаминот ҳаммада янги нарсага узоқча умидлар билан қараган, одатланган. Янги йил, янги фасл барчангизга завқ-шавақ олиб келисин, улғу айёмингиз кутлуг бўлсин, азизлар!



Ассалом, кут-барақа элчиси Наврўзи олам, кутлуг — Янги кун, фусункор баҳор жарчиси!  
Уйғониш, яшариш, поклиниш ва шоду хуррамлик дарақчиси гўзал, мафтункор Наврўзим, хуш кел, дийримизга!

## НАВРЎЗИМ

(Кўшиқ)

Бог-роғларни яшилга буркаб,  
Келдинг яна кўркам Наврўзим,  
Димоқларга атирлар пуркаб,  
Хушбўй этдинг юртим, Наврўзим!

Қандай гўзал баҳор ҳавоси,  
Чор-атрофда қушлар навоси,  
Узинг табиб — дардлар давоси,  
Бемор дилга малҳам, Наврўзим!

Чеккамизга гулчечак тақиб,  
Ошиқларга газаллар ўқиб,  
Ёш қизларга сочбаргак тўқиб,  
Севинтирдинг, эркам, Наврўзим.

Совуқ қишда сени қутиб зор,  
Ҳатто, кенг уй бизга бўлди тор,  
Соғинганди элу-юрт такрор,  
Байрамимиз кўклям, Наврўзим!

Бог-роғларни яшилга буркаб,  
Келдинг яна кўркам — Наврўзим.  
Димоқларга атирлар пуркаб,  
Хушбўй этдинг, юртни, Наврўзим!

ОЛИМБЕК.

## ЯНГИЛАНИШ ПАЛЛАСИ

«Наврўз» сўзининг луғавий маъноси Янги кун бўлиб, кенг маънода Янги йил деган тушунишни ҳам ифодалайди. Наврўз энг қадимги байрамлардан саналади. Қадим замонларда кўпчилик халқлар, шу жумладан, туркий халқлар ҳам янги йил ҳисобини Наврўздан бошлашган. Чунки Наврўзи олам қиш фасли тугаб, ўрнига кўклям (баҳор) фасли келишидан бошланган. Тарихдан маълумки, Наврўзи оламда бутун ер юзиде қоинотда, барча мавжудотларда ёшариш, яшариб ва янгилашни палласи содир бўлади. Наврўз — умумхалқ байрами, эъгулимк байрами, қадрият байрами.

Бу йил умумхалқ байрамларидан учтасининг (Қурбон ҳайити, 8-март байрами ва Наврўзининг) кетма-кет келиши Наврўзининг қадрият байрами эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Наврўзининг тарихи узоқ-узокларга бориб тақалади, ҳатто 3000 йилдан ортади.

Мустақиллик шарофати билан шўро замонида унутилган ана шу тарихий байрам қайта тикланди. Президентимиз фармони билан Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш кунини деб эълон қилинди. Халқимиз Наврўзни ҳар йили катта тантана билан нишонлайди: республикамиздаги 100 дан ортик миллат ва элат вақиллари Наврўзни катта шодибанага айлантириб, ҳамжиҳатлик билан қутлайдилар.

Наврўзининг қайта тикланиши тарихий қадриятларнинг, миллий маънавиятнинг, умумхалқ урф-одатлари ва анъаналарининг ҳам қайта тикланишидан далолат беради. Мана шу кичик бир далилга эътибор берайлик: ўзбек миллий курашининг жаҳон спорт ўйинлари қаторидан ўрин олиши, ўзбек кураши буйича бир қатор республика ва халқаро турнирларнинг ўтказилиши, чавандозлик (от спорти: пойка, улоқ-қўлқари), алпомши ўйинларининг жорий қилиниши, маҳаллаларда, қишлоқларда, туман ва шаҳарларда спорт ва соғломлаштириш мажмуаларининг ташкил этилиши, миллийликнинг тикланиши ва баралла, катта одимлар билан ривожланаётганини курсатади.

Наврўз — меҳр-мурувват, саховат ва садқат рамзи. Наврўзда бутун оламга ёшариш ва яшариш ёғдуси таралади. Бу ёғду кўшининг ҳаётбахш нурлари билан уйғунлашиб, табиат ва жамиятни, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламини, еру қўқ, бутун қоинотни жонлантиради, уйғотади. Қорлар кетиб, майсалар ниш ура бошлайди. Қўқариш-кўклям барқ уради. Қиш ўрнини баҳор эгаллайди. Олам кўкаламзорлашади.

Қишлар бир-бирларини баҳор билан, Наврўзи олам билан қутлайдилар. Қариялар йўқлиниб, таваб қилинади, беморларнинг кўнгли кўтарилади. «Хотира хиёбони», «Шаҳидлар хиёбони» каби қатор муқаддас масканлар, улғу алломалар, адиблар, шоир ва ёзувчиларнинг уй музейлари зиярат қилинади. «А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи», «Боғи эрам», «Мустақиллик майдони», А. Темур хиёбони каби маданий-маърифий масканларга маънавият ва маърифат марказларига сайру-сабҳатлар уюштирилади.

Хонадонларда, маҳаллаларда, масжидларда ҳалим пиширилиб, момоларимиз дошқозонларда сумалак тайёрлайдилар. Ёшлар завқ ва шавақ билан қўшиқ айтиб, рақса тушадилар. Бир ёқда ҳадисхонлик, ҳикматхонлик, иккинчи ёқда гурунг-уфатчилик, зибфат!

Тарихий қадриятлар, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар тикланиб, маънавият бўлоғининг янги қўзлари очила бошлайди. Деҳқонлар уюшиб, қўқ оши қилишади, дала ишларининг янги режаларини тузишади, мўл ҳосил учун дуолар қилишади. Шунинг учун ҳалим, сумалак, кўқ оши каби емаклар маънавият таомлари — Наврўз таомлари деб юртилади. Қўринадикки, ҳалим, сумалак, кўқ оши... каби таомлар воситасида оммага маънавият улашилади. Бу маънавият эл-юртни бириктира, ҳамкорликка биродарликка, дўстликка чорлайди. Шунинг учун ҳам Наврўзи оламда бағри кенг, дили пок халқимизнинг меҳр-муруввати, саховат ва садқатли, меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги яққол кўринади. Бинобарин, юртбошимизнинг «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил» деган ҳикматларнинг замирида олам-олам маъно бор. Чунки жамоа туйғуси бўлмаган халқда саҳийлик ҳам бўлмайди.

Наврўз — синов ва фаровонлик палласи! Кўчага чиқсангиз, шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз: айрим қишлоқларда бир даста гул билан қарияларни ёки яқин бир кишисини байрам билан табриқлашга кетаётган бўлади. Яна бир гуруҳ тенгқурлар Наврўзи олам зибфатига тараддуд қўраётган бўлади. Яна кимдир кўчат экиб, Деҳқон ерига ишлов беради. Яна кимдир кўчат экиб, боғ бунёд этади. Ҳеч бўлмаганда хонадонларни, ҳовлиларни, ариқ бўйларини тозаллаб, соғлом муҳит яратлади, озодалик, поклик, гўзаллик ва нафосат баҳш этади. Озод ва обод маскан яратлади. Шунинг учун ҳам Наврўз ҳосилдорлик, деҳқончилик, кут-барақа, ободонлаштириш байрами ҳисобланади. Шу ўринда сохиқирон Амир Темурнинг ушбу сўзларини эслаб ўтиш ўринлидир: «Кай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўнта гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта қўчат эктирдим». Зеро, ободонлаштириш, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш бизлар учун бобо меросдир.

Карим НАЗАРОВ,  
Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири, профессор.

Баҳорнинг илк ёмғирдан сўнг, ҳовлида, ўтган йили тўқилган ўрик данаги магизини бошига қўйдирган куй янги ҳаётга муваззам боқар: «Бунча гўзал олам! У ҳаммадан олдин кўрар Баҳорни. Мангу яшагиси келар мурғакнинг, заминни қитқилар оёқчалари. Жонда баҳор! Тўғлар ийиб кетар кўичоқларнинг ҳали марвариддек тўёқларидан. Қўм-қўқ сабзаларга тўлдириб кўксин, эгиллиб келади то қирлар қадар. Қонда Баҳор! Қирда унутилган зангланган милтлик ўқиниб ўзининг қуроллигидан юзини тупроққа ашириб дилхун, ўтиниб сўрайди гуноҳларини...

унинг кўз ёшлари — тиловатлар айланар ям-яшил куртакчаларга. Ҳар қандай юрак ҳам яшнаб кетади. Илдизига тупманг, дея бизни тергайди. Чиройли бўлганмиш уйимиз энди. Булар ёввоий-ку, десам бош чайкаб: — Гулнинг ёввоийга элиб берайлик. Наврўзда Наврўзим шохсувор бўлсин», бош эгар қудосин оstonасига. Баҳорим, онам!

## ЮРАКЛАРДА ГУЛЛАЙДИ БАҲОР

Бадиа

роқ ташлаб кетади. Энди у ёвузининг елкасидамас, ўтуланлар ичра яшаб кетади. Рухида Баҳор! Мурғаккина болам, боғбоним болам, чечакка тўлдириб қафдек ҳовлини, босиб ол-

иси бўлмади, дейди. Баҳорим — болам! Шикастадил она. Мунис қайнона. Унутиб бўлтурги гишаналарини, сеп йиғар аразани келинга атаб. «Боғи-чаманга ризолик беринг, тоғи-қўрғонига

илоҳим! Умидим, баҳор! Неча йилки, қўшим дошқозон осар. Неча йил бир тилак учун яшади. Бугун юзларида ҳуснидоғ кўрдим. Унда далаклар назар ташлади. Бугун гўдакларни суйиб-сизлайди. Эрта боласига уртоқ излайди. Бағрида баҳор! Ҳар кўнгли қатига шўқорна, икор. Ҳар гиёҳ ўйғонар айтиб саловат. Сарин елларида ҳаловат, сурур. Ёмғир томчисида ёғар саховат. Ассалом, она халқ, азиз ота юрт. Баҳорга тўлишиб чиққан тилаклар. Соғмисиз, баҳорим, тоғим-суянчим—қишдан омон чиққан ЮРАКЛАР! Қаноат БОЙХОҲ қизи.

## Юсуф Хос Ҳожиб БАҲОР ТАЪРИФИДА

Шарқдан баҳор насими эса бошлайди, оламини безатмоқ учун Фирдавс йули очила бошлайди. Оқ ранг кетиб, бўз ерни алван ранг қоплайди, олам ўзига оро бериб, безатмоқ тараддудига тушади. Зерикарли кишини баҳор нафаси ҳайдайди, мусофиро баҳор яна ўз ҳуқмига қиради. Кўёш қайтиб, яна ўз ўрнига келади. Балқ (Хут) думидан Қўзи «Ҳамал» буржиға кўчади. Уйқудаги дарахтлар яна яшил туғини қияди, оқ-сарик, тўқ, қизил рангли харир ёлпизчиқлар билан безана бошлайди. Бўз ер юзига яшил парда тортади, гўё хитой қарвори Чиннинг хар ипак матоларини хар томонга ёвди. Дала-туз, тоғ, ўр-қир, паст-баланд яйловлар кўк ва алван рангга қўмилиб бурканади. Туғли-туман чечаклар қийғос очилади, олам ичи ифор ва кофур ичи (ҳиди) билан тўлади. Димоғларни чоғ қилувчи сабо ели кўтарилади, бутун оламга мушқ-анбар хиди таралади. Ҳоз, ўрдак, оққуш, қил-қўйруқлар осмонни тўлдириб, қағиллаб ўқори-ю, қуйига умқоқда. Мағрур турналар қўкда овозини баралла янғратмоқда, тизилган туя қарвонидек умқоқда, елғирмоқда. Улар хуш овозини соғлаб, ўз жұфтини қақирмоқда, гўзал қиз, кўнгли берганини чорлаганидай назокат билан умқоқда. Қажик қуш овоз билан сайраб қаҳ-қаҳа уриб умқоқда, унинг тумшуги қон сингари қизил, қоши эса қон-қора. Қора қарға тумшугини қўпиртириб қағиллайди, унинг овози тантик қизнинг овози каби ёқимсиздир. Гулзорда булбул минг охангда наво қилмоқда, тун-кун сайрамоқда. Жайронлар жұғи билан чечаклар устида ўйноқлашмоқда, буғулар жұфтлари билан чоңишиб, яйрашмоқда. Осмонни булут қоплаб, ёмғир ёғмоқда, гуллар юза очиб қулмоқда.

«Қўтағду билигдан оқка қўчирувчи О. БЕКОВ.



Сумалак—Наврўзининг сеvimли таоми.

## БАЙРАМ ХАНДАСИ

Тошбуви хола янги очилган гунафшани омонлик-сомонлик қилиб ўтира-нда унинг ёнига халлослаб-ҳовлиқиб келини келиб дебди:  
— Ойи, ўғирлаб кетишибди...  
— Ними? — ҳайрон бўлиб сўради хола.  
— Наврўзга пиширган кичик қозондаги сумалагнинг қозон-позони билан йўқ!  
— Парво қилманг, келин, — дея жишмайди хола, — ёшлигимизда раҳматли онам пиширган сумалаки ҳам йигитлар шунақа ўғирлаб кетишганди. Савоб бўлади. Хали ўзлари билдирмай, қозони ташлаб кетишади, бу Наврўз ҳазили!  
— Байрамнинг кутлуг бўлсин, Наврўз амаки!  
— Хой, Раҳматжон, исминини тўлақ айт. Менинг тўлақ исимим Наврўз-2.  
— Е тава! Европалик подшоҳлар ўзларини шундай аташарди. Масалан,

Николай авлодидан бўлганлар ўзларини «Николай-1», «Николай-2», дейишган. Нима, сиз ҳам подшоҳларданми сиз?!  
— Йўқ, мен подшо эмасман, — деди шоша-пиша Наврўз-2 амаки. Наврўзнинг иккинчи қуни туғилганман, ҳолоқ.  
Маймунусха кийинган бир йигит чеккасида гунафша тақиб олиб, кўрт сотаётган Нор кампирга деди:  
— Мамаш, гунафшангизни менга сотинг?  
— Сотмайман, далага бориб, ариқ бўйларидан ўзинг териб келавер!  
— Фуу! Далада нима қилман, уялман!  
— Уялсанг, сайлгоҳда сенга нима бор, яхшиши хайвонот боғига бор, ҳар хил хайвонларни томоша қилсан, йигитнинг қийиншига писанда қўлди кампир.  
— Нега ундай дейсиз, хайвонларда гунафша бўлмайди-ку!  
Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ.

## АЙЁМ ШУКУҲИ

Наманган вилоятининг ранг-баранг гулларга бурканган боғларида Наврўз кезмоқда.  
Наманган шаҳрининг қоқ марказида жойлашган 20 гектарли «Бобур» номли маданият ва истироҳат боғида 110 та қозонда сумалак қайнапти. Паловлар дамланган. Шаҳарнинг кўлба қорхона ва ташкилотларидан келган байрам қатнашчилари юзиде кулгў, Давраларда халқ ўйинлари, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг қўшиқлари янғрайди. Баҳор неъматлари дастурхонларга тортилан. «Наманганкурилиш», «Намангантелеком» акциядорлик жамияти, «Намангансавдо» акциядорлик компанияси, «Наманган-технология», «Намангангагропромаш», «Намангангаўйлтра» ва «Атлас» ҳиссадорлик жамиятлари ўз ишчилари фарзандларига хатна тўйлари ўтказяпти.  
Бог директор Одилжон Каримовнинг айтишича, бу йил Наврўз байрами ўтказишга узаига хос тайёргарлик қўрилди. Тадбирлар сони кўпайди. Боғда «Хотира хиёбони» барпо этилди. Икки мингдан ортик манзарали дарахт ва минглаб гул қўчатлари ўтказилди. Ун мингдан зибд атиргулларга бурканган Наманганнинг маданият ва истироҳат боғида бугун тонггача сумалак қайнайди.

## КўНГИЛЛАР ҚУВОНЧИ

Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлими Наврўз байраминида қомий ташкилотлар билан биргаликда 150 нафарга яқин кексаларга совға-салом улашди. Нурунийларга атаб байрам дастурхонини ёзди.  
— Ҳаётнинг паст-баландини кўп кўрган инсонларнинг кўнглини ва дуосини олишга не етсин. Ҳиссада 11 минг 955 нафар пенсионер рўйхатда туради, — деди шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Нуриддин Турдиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ўтган йили улар 1 миллиард 401 миллион 370 минг сўм нафақа пули билан таъминланди.  
Н. Турдиевнинг таъкидлашича, «Қарияларни қадрлаш йили»да ҳам кекса ва ногиронларнинг нафақа пуллари ўз вақтида уларнинг уйларига олиб бериб беришга катта эътибор бериляпти.

## ҚАҲ-ҚАҲ

Бугунча тилло бешик тахтининг сенинг, болажон, Султонларга амр этур бахтининг сенинг, болажон. Маъсумгина қароғинг оламларга маҳлиё, Нигоҳингда улғаяр шаҳдинг сенинг, болажон.



### СОВЧИЛАР

Хикоя

Сурхондарёда қалинли қиз — қадрли қиз, деган мақола амал қилишаркан. Демак, қалинни «қалинрок» қилиш зарур. Тўйга икки қоп гуруч, шунга яраша сабзи, пивё олдик. Бир бочка ёғ ҳам эсдан чиқмади. Тошкентдан ширинликлар, йўл-йўлакай Самарқанддан «Бахт нони» оладиган бўлдик.

Пирмат тоға чўзиб сўради: — Ҳў-шў, гўштни қандоқ қиламиз? — Абдулла амакининг лўқмаси қизик бўлди: — Жазирамада одам ҳўдланиб қолаятти-ю, гўшт чиқармиди? Ниманиндир ҳўдини сўзгандек жўрам бурнини жўйирди.

Ақли гап бўвимиздан чиқди: — Сувени кўрмай этик ёчманглари! Аввал бориб гаплашайлар. Иш пишгандан сўнг, ўшақда ҳўрсини қўйлар мўл бўлса керак!..

Пирмат тоға, маъқул, дегандек бош иргаб кўя қолди. Абдулла амаки бунга ҳам ўзича қизик гап топди: — Келинпошша «Унта қўй нима бўлади?» деб турса-я!.. Кийим-кечакка тўла сандиқ ва толган-тутганларимиз ортлган «Отайўл» савдогарлар автобусига ўшаб қолди. Олдинги ўриндикларга тоға, амаки ва тоғора кўтарган хотинлар жўйлашдилар. Жўрам икков ҳайдовчи ёнига ўрнашдик. Сахарда йўлга тушдик!..

Сирдарё кўпригидан ўтгач, Махфират янга чўзиб сўради: — Етай деб қолдикими-и, қайнинг? Чошгоҳгача юрибмиз-а... — Унга жавобан Абдулла амаки «пиқ» этди-да, пичинг қилди:



— Йўлимиз энди бошланди-ку!.. Кечгача ётсақ ҳам жон деб! — Йўғ-е?! — Қошлари чимирди аёлининг. — Шунча узокми? — Қозоғистон чегарасидан кейин Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари бор. Сўнг, Сурхондарё! Ўшақда овсинчангиз! — Сўнгги гап жўрамга мойдек ёқди-ёв. Севгани «овсинлар қатери» саналгани умид қуртакларини барқ урдириб юборди чамаси...

Лола янга уйқули кўзларини ишқалаб, мингирлади: — Хайрият-ей, тоқча етибмиз. Ҳўсор деганингиз шуми? — Бу Жиззах тоғлари, — тушунтирди тоға. — Ҳўв анов қоялар оралиги «Амир Темур дарвозаси» дейилди. Самарқанд пойтахт бўлган пайтада унинг катта дарвозаси шу хой ҳисобланган экан!.. Хайратга тушган хотинлар бўйинларини ойна томон чўзиб-чўзиб ўтидилар.

Амаки ўзича қулги қилди: — Жўракулга раҳмат деглар, ўшақдан қайлик топмаганда бўлтарни қачон кўрардирилар?! — Бу мазву тугамай тоға яна янги гап топди: — Дарёлар қилба томон оқишини эшитсанлар-а? Сангзор эса тескари оқаркан. Қаранглари!.. Хотинлар яна бўйинларини чўзидилар. Токати тоқ бўлган Махфират янга ўф тортиб, зарда қилди: — Холи жойга тўхтадинг. Шамоллаб олайлик... Тоғлар ортада қолди. Уйқусираб ўтирган тоға кўзларини катта очиб, тоғонини қирди-да, қийқириб юборди: — Ана, Самарқанд сайқали! — Йўғ-е, — дедим жўрттага. — Ҳўди шу шаҳар! — тавқидлади у. — Ҳўв гўмбази бино Биҳишонин мадрасаси. Уни Темур суқюкли хотинига атаб қурдирган. Автобусимиз нон сотувчилар олдида тўхтаганида қизик ҳодиса юз берди. Очарчилик пайти одамлар нонга қандоқ ёпишган бўлса, бу ерда нақадар тўқчиллигининг манзараси намён бўларкан: нон сотувчилар сал бўлмаса, устингизга чиқиб кетаркан! Бир-биридан чиройли нонларни кўтарган қиз-жувоқлар тақаллуфидан сармаст бўлмас. Ипақдек майин оҳангда бири-бирига гал бермайдилар: — Аҳо, манки иссиққина! — Муни ушлаб кўринг. — Еганингизга гап йўқ!.. — Айтингчи, чанга?.. Завқим келиб, тожик тилида билган сўзлар билан сўрадим: — Дўхтарам! Обинов чанд пул?.. Гузалнинг тожикона жавобини тушунмаганимга афсусландим... Нонини кўз-кўз қилаётган жувоқ ўзи хижолатдан қутқарди: — Меҳмонларга арзон бўлади!.. Абдулла амаки ҳам хангомадан четда қолмади: — Шакарғуфтор бибим, — деди у бирини боғдан, бирини тоғдан қилиб. — Биз тўйга атаб олмоқчимиз!.. Жувоқ савапти билан тўтказди: — Унда ҳаммасини оли-инг!.. Тўйга юзта мўлжал қилгандик. Ширинсубхан гаплардан сармаст бўлиб уч баробар кўп олдик. Автобусимиз нон хиди билан тўлди! Кўҳна шаҳар ортада қолгач, бийдек дала бошланди. Қир-адирлар адоғида улкан деворга ўшаб кўринаётган тоғ томонга ишора қилганча тоғамиз тушунтирди: (Давоми келгуси сонда).

### • Ҳангома БИР ГАПДА УЧ ГАП

Мухиддин қизик андижонлик шогирди Каримжон Холиқовниқига бориб қолибди. Эшикдан кириб, кўй деса думи бор, бузоқ деса жуни йўқ бир маҳлуқни кўриб: — Карим, ҳов Карим, манави қандай бало маҳлуқ? Африкадан обкелдингми ё Америкадан? — деб сўрайди.

— Бузов, уста, бузов, — жавоб қилибди Каримжон. — Кўйларнинг жунини олаётганимиз, қизикиб кетиб уникниям олиб қўйибман. Иссиқдан қийналмай юрар. — Иссиқ ўзингга таъсир қилганга ўхшайди. Бузовдям жунини оладими ҳеч замонада. — Жа ўсиб кетган экан-да.

— Худого шўқур, — дебди уста, — қизикчиларимиз ичида сендақиси йўқ эди, унгаям етишибмиз! — Сўрига жой қилинган экан, ўтиришибди. Ўртага ош ҳам қўйилди. — Қани, қани уста олинг. Бошлаб беринг! — бошланди.

Мухиддин ака бир ошани оғзига солиб, шундай чангаган экан, тиши тошга тегиб «қарс» этган товуш чиқарибди. Билмиртирмасдан секин тошни олиб, дастурхонга қўйибди. — Уста олинг, нега тўхтаб қолдингиз, олинг! Иккинчи ошани олса, яна тош. Униям ажратиб олиб, учинчи ошани оғзига солса, бир йўла икки тош «қарс-қурс» этибди. Меъзон ҳамдардик ила сўрабди: — Ха, уста, тош чиқаяптими?

Уста дарҳол жавоб қилибди: — Йўқ, хар замонада гуруч ҳам чиқаяпти. — Ха, майли ошни емай қўяверинг. — Каримжон қўли кўксига кеңирим сўраган бўлибди. — Хотин шўшилди... Ҳўзир ўзим гўшт қовуриб бераман. Мухиддин ака кўзларини катта очиб, хайрон қолган бўлиб сўрабди: — Гўшт?! У қанча бўлади?

... — Мухиддин аканинг ховлиси ёнига банди қилиб катта бочка ўрнаштирибди. Аммо орадан йигирма йил ўтса-да, ундан фойдаланишмабди. — Уста, шунга сув қўйиб, аҳолига тарқатилса бўлмайдими? — сўрабди шогирдларидан бири Мансўр Оҳнов. — Қалланг борми ўзи сени? — уста қўлини пахса қилибди. — Сув қўйишса бочка занглаб қолади-ю!

### • Қашфиётхона КУЗАТИШЛАР ВА ХУЛОСАЛАР

• Узок қузатишлардан сўнг шу хўлосага келиндикми, чўмилиётган одамнинг бой ёки камбағаллигини биллиб бўлмаскан. • Таърихлардан шундай хўлоса ясалдик, ақл билан олинган пора қўл билан олингандан анча қулай ва хавф эҳтимомли кам экан. • Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги иш эртага қолса, эртанги иш ўз-ўзидан индинга қолар экан. • Бозорда ўтказилган сўровдан шу нарсა маълум бўлдики, иш шу йўсинда боровар экан, келажақда одамларнинг турли ҳилдаги қўғоз ва ҳўжатларга эмас, нақд пулга ишончларига орта бороваркан. • Лаборатория қузатишлардан шундай хўлосага келиндикми, бир-биридан қарз олган кишилар бир-бирлариникига меҳмонга боришмас экан. • Яқинда олимларимиз тўзини шаҳарга айлантириш йўлини кашф этдилар. Хўлоса шуки, туз овқатга солинганда шаҳарга айланар экан. • Авълларни ошончага кўпроқ жалб етиш муаммоси ҳал этилди. Бунинг учун телефон апаратыни тўғридан-тўғри ошончага ўрнатилса, кифоя экан. Илҳом ЗОЙИР.



— Байрамингиз билан...

### ЧУСТАДА ТЕЛЕМИНОРА

Қадимий Чустнинг қиёфаси истиқлол йилларида тубдан ўзгариб кетди. Замонавий услўбда қурилган биналар шаҳар кўркини очиб юборди. Унинг дўпписи-ю, пичоғи билан дунёга машҳур бўлган Чуст бугунги кўнда «Мирмар-Ф» корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли мрамрлари билан юртимиз қозонларини безамокда. Ҳўнда тўғрида 137 метрли телеминара қурилиши бошланди. Бу телеминара ишага тушгач, бир неча ўн километр радиўсга, яъни Наманган вилоятининг катта ҳудудига ўқин тарқатади. Ули телефон станциялари ишага тушади. Келажақда туман телекурстуларини ташкил этилади. Телеминаранинг олти гектарлик ҳудудига ўнча бино, битта операторлар уйи ва бошқа маҳсус биналар қурилади. Телеминаранинг лўйиқ қўйматти 350 миллион сумдир. Ҳўзир республика «Узтелеком» уюшмаси томонидан 100 минг долларлик замонавий апаратылар ўрнатилди. Қурилуш ишлари босиш пудратчи «Узўлатмонтаж» трести бўлиб, қурилиш ишларини Маданият ишлари вазирлиги қарашли Чуст туманидаги маҳсул таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси қарамокда. Телеминара шу йил охирида ишага тушади.

### Қўшини ХОТИН АЙДОР

Насридин Афандининг тушига қўшинининг бева хотини кирибди. У шунакам гўзал, думбоқ эканки, бағрига қаттиқ босиб, чўлчўлл ўпибди. Яна қоникмасдан иккинчи марта ўпмоқчи экан, бичинига тепки тушиб, ўйғониб кетибди. Қараса, ёнида ўз хотини ётган экан. — Уялмайсимизми? — дебди хотини жаҳл билан. — Бу нима қилиқ? Сал қолди қулгимни тишлаб, узиб олай дедимки. — Кечирасан жоним, менда айб йўқ, — дебди Афанди ялтоқланиб. — Ҳаммасига қўшинининг хотини айдор. — ФАҚАТ МЕНГА КўРСАТ, МАНАНТ БУЛАМАН. Афандининг дўстлари ҳазиллашиб, уни хунук бир аёлга ўйлантириб қўйишди. Тўйнинг эртаси кўни Афанди хотинини яқиндан кўраркан, келинчак ундан сўрабди: — АЗРОИЛ АДАШИБ ҚОЛСА-ЧИ? Афанди қаттиқ хасталаниб тушақда инграб ётарди. Хотини бош томонида ўтирган-ча пик-пик йиғларди. Бу Афандига ёқмади.

### Афанди Латифалари

— Вей, менга қара, — деди у. — Бас қил йиғинг. Яхшиси янги қийилларингни кийиб, пардоз-андоз қил. — Вой, Афандим-эй, — дебди хотини ажабланиб, — сиз бу аҳволда етибисизку... — Агар мени яхши кўрсанг, тезда ясаниб ол, — дея у ўз сўзига қаттиқ турибди. — Бўл, тезроқ айтганимни қил. Афандига хос қизиқувчанлик ўстун келиб, хотини сўрабди: — Майли, айтганингизни қиламан, лекин аввал нима учунлигини айтиб берасиз. — Айтардим-у, лекин хафа бўласан-да. — Худо ҳақки, хафа бўлмайман, тўриси айтинг, — дебди хотини. — Биласанми, хотинжон, — дебди Афанди жиддий, — менинжонимни олишга келган Азроил, ясан-тусан ва пардоз қилганингни кўриб, қўниги кетиб, зорамнинг ўримига сеникини олса. — Бу сўзини эшитган хотин ханг-манг бўлиб қолибди.



масанг бўлгани, — деб жавоб берибди Афанди.

### ЭНГ УЗУН АВТОМОБИЛЬ

Энг узун автомобиль АКШнинг Калифорния штатига қарашли Бербанк шаҳрида яшовчи Жем Орберг томонидан кашф этилган. 26 гилдиракли, узунлиги 30,5 метр бўлган ушбу автомобилда чўмилиш хавзаси ва катта сувли қароват мавжуд. Унинг иختирочилари яна қўшимча қўлайликлар ўйлаб топилмоқда. Уларнинг рақиблари томонидан яратилган «Голливуд орзуси» автомобилининг узунлиги 20,73 метр, гилдирақлар сони эса 22 тани ташкил этади. Ушбу иختирога 6 та телефон, сўний йўлдош антеннаси ва бертолёт қўниш майдони бор. Нима ҳам деймиз, балки кейинчалик иختирочилар кичик самолёт қўнадиган автомобилни яратишар. Яна қим билди...

### РАССОМ ТАБАССУМИ

Бир бола ўртоғига мақтанди: — Менгиз дадам истаган мавзунида гаплаша олади. — Бунинг ажабланидан жойи йўқ. Менгиз дадам эса мавзусиз ҳам гаплаша олади. — Уқитувчи: — Ҳой бола, бир ўзинг шунақа хот қилгани уялмайсанми? — Бир ўзим эмас, дадам билан бирга ётганман. — Уқитувчи: — Қани, айт-чи, нега сен кеча мактабга келмадинг? — Опам турмушга чиқабган эди. — Ҳа, шундайми! Майли ўтир, лекин бу ҳол иккинчи тақрорланмасин.

### БОЛАНING ТИЛИ ШИРИН

— Уғлим, синфингизда энг ялқов ким? — Билмайман... — Ҳамма ёзаётганда, қим ёзмав қараб ўтиради? — Уқитувчимиз. — Уғли отасига деди: — Дада, нима учун ер айланди? — Унга жавобан дадаси бақирди: — Яна менинжон кўнглимни ичиб қўйдингми, зумраша? — Отанг онанга икки миғ берди. Кейин бир миғини қайтариб олди: — Ҳўш, Али-вой, қўйинг нима бўлади? — Жанжал бўлади.

### КУЧАЛАРГА АҚИЛ

Азия дилбандови Тўлганой ДЕҲҚОНОВА! Сени туғилган кўнинг билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Қалбимиз турлидаги энг яхши тилақларимизни сенга бахшида айлаётганимиздан мамнунмиз. Соғ-саломат унинг-ўсини, келажақда она-Ватанимиз учун муносиб фарзанд бўлиб етишгин. Умринг узок, ризкинг бутун бўлсин. Самарқанд Давлат тиббиёт институтини муваффақият-ли тугаллаб, юқори малакали шифофор бўлишингизни Яратганнинг ўзи насиб айласин. Ҳудойим ҳаммизга бахтингни берсин! Отанг Бозорбой ДЕҲҚОНОВ ва онанг Замира МАМАЕҚУБОВА.

### Юлдузлар ҳаётидан Чаплин ҚУРМАҒУР-ЕЙ...

«Бечора Чарли Чаплин сирғот қолдиқларини ердан оларди». Йўқ. Аслида Чарли Чаплин ҳечам бечора эмас эди. У зоқ ва қизгин ҳаёт кечирди. 88 ёшида бу дунё билан хайрлашди. Оламга 80 та энг қизик фильмлар тақдим этди. Буларга осонликча эришгани йўқ, албатта. Яшаган учун курашишга тўғри келди. АҲБ-аҳида қимларлар унга шафқат қўлини чўзди. Чаплиннинг болагини гағгин кечди: отаси шаробхўрликка муккасидан кетган киши эди. У Чарли туғилгач, домдараксиз йўқолиб кетди. Онаси эса Лондоннинг арзон гаров мусика гуруҳларида ишлаб, рўзгор тебратар, руҳий касаллик билан оғрир, шифохоналарда даволанарди. Шу боис у болагинида шўх-шодон қуналдан кўра, муҳожир ва азобли оналарга кўпроқ дуқ келди. Очиқдан ўлиб қолмаслик учун ёш Чарли сартароҳоналарда, театрларда турли хил юмушларни бажарар, фаррошлик қиларди. Қуллимганда унга бахт қулиб боқди. Ва бу бахт унинг охиригача уни тарқ этмади.

Чарли кино юлдузига эмас, муҳаббатнинг ҳам қули эди. Тўғри, ўзи: «Муҳаббат ташвишлари» фақат зерикан чоғларида, яъни киносьемкалар орасида мени банд қилади», — дерди. Аслида эса бундай эмасди. У бирор сония ҳам «муҳаббат ташвишлари»сиз яшаманганда. Чарлиннинг кўп сонли жазманлари уни эрқалаб, «ноёб нуқса» деб атардилар. Унинг ана шу жазманлари, «муҳаббат ташвишлари» билан кўп банд бўлиши хавфини мураккаблаштириб юборди, катта жаъжалларга олиб келди. Гап шундаки, кино даҳоси 18 йўшгача бўлган қизларни яхши кўрарди. Унинг тўртта қонуний хотинидан учтаси мана шу «олтин ёш»да эди. Ҳами бўлиб улар Чарлига ўн битта фарзанд туғиб беришди. Буёқ қомининг Холливуддаги фаолияти даврида орттирган жазманларининг ҳисобига етиб бўлмайди. Унинг муҳаббат осмонида актриса Мабель Норман, ўша Первианс, Пола Нитри ва давр киноактрисалари Эдик Мардон Дэвис каби юлдузлар қанчаб ўтидилар. Бир вақт журналистлар уни қимсақис Каталина оролада учратдилар. Ч. Чаплин беш марта турмушга чиққан ва беш эри ҳам миллионерлар бўлган ўта гўзал Петти Джойс билан тўқчиларда сузарди. Айтганимиздек, Чаплиннинг бундай «ишқибозлиги» унга кўп ташвишлар келтирди. Ҳаммаси 1916 йилда 14 ёшли Милдред Харис билан танишайдан бошланди. У ўзига ёқиб қолган қизларга худди хозирги замон кинорежисёрлари каби ҳўшомад қиларди: ўзи ишлаётган кинофильмда қатнашишга тақлиф қиларди. Милдредга ҳам, табиийки, келажақда уни машҳур киноактриса қилишни ваъда беради. Аммо, кутулмаганда, у ҳомилидор бўлиб қолади. Бундан хабар топаган қизнинг онаси Чарлиннинг елкасига миниб олади: тамом, бўйининг энди ҳеч ёққа буролмайсан. Ё қонуний никоҳингиз оласан ёки... Уйланиш масаласи ҳали Чарлиннинг режаларига киритилмаган эди. Шунга қарамасдан, у «жанжалқаш» қайнонасига бўйсунди, 1918 йилнинг 23 октябрда Милдред билан қонуний никоҳдан ўтди. Хавотирлар, ҳомилидорлик ҳақидаги гап ёлғон бўлиб қидди. Чарлини алдадилар. Тўғри, уни осонгина лақиллатанлари учун анча хафа бўлиб юрди. Аммо бир оз вақт ўтгач, Милдред ростдан ҳам болали бўлди. Бироқ, фарзанд уч қон ўтгач, қозо қилади. Бу эса оиланинг бузилшига олиб келди. Чаплиннинг ҳаётдаги энг суронли ишқий можазолар унинг Лита Грей билан бўлган муносабатларида содир бўлди. Литани ота-онаси қаршилиғига қарамай, Чаплин ўз студиясига олиб келди. Уни тарбиялади. Кино сирларини ўргатди. «Олтин жазаваси» киносини суратга тушираётган кезларида... Хуллас, 1924 йилда Лита ҳомилидор бўлди. Ҳами йили у энди 16 ёшга тўлганди. Кино юлдузи эса 34 ёшда эди. Чарли асосий вақтини ижодий иша бағишлар, турмуш қуриши хавлига ҳам келтирмасди. Борди-ю, бу ҳақда ўйласа, у дахшатга тушарди. Шунинг учун Литага болали «олдириш»ни ва у шунга қўнса, 20 минг доллар беришини айтиди. Ҳами замон учун жуда катта микдордаги пул Литанинг бошқа одамга турмушга чиққанидагина берилиши мумкинлиги айтилди. Аммо Лита у йўлаганидан кўра қайсарроқ эди. Чарли Лита билан икки йил бирга яшайди. Жанжал-тўпонлар орасида улар икки фарзандни ҳам бўлишди. Лита унинг «ғулини ўзидан сўроқсиз узган» Чарлидан қасд олишга ўтди. Уни кечира олмади. Унинг эзаси Чарлидан қонуний ажратиш учун судга шикоят аризини топширди. Бу катта шов-шувларга сабаб бўлди, чунки унинг шикоят 42 бетдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир нуқсаси чорак доллардан сотила бошланди. Ҳа, америкаликлар пул илашнинг йўлини билдиларди. Лита ўз жабравуқисидан шундай қасд олди. У Чарли шу икки йил давомида бешта ўйнаш орттирганини (аслида кўпроқ эди) исоб қилди. Бундан ташқари, Чарлига, «ишқибозлик»нинг турли йўллариин тақлиф қилди. Агар розилик бермаса, уни отиб ташлашга тайёр эканини айтиди. Ҳатто Ч. Чаплинга тўпюнча ҳам ўқтарди. Баъзида Чарлига кишининг раҳми келади. Чунки, бу жанжаллардан сўнг Чарли «ишқибозлик»ка жуда эҳтиёткор бўлиб қолди. Унинг учини никоҳи — очилмаган сир. Аммо 1936 йилда актриса Повет Годарга улангани ҳақида ёзув қолдирган. Повет эрига унга тахлика келтирмасди. У Чарлининг аввалги хотинидан қолган болаларини эътибор билан тарбиялади. Аммо асалга тушган янжаллар тарқатилар ёнидан қетмайдиган улғу ақтари туғилди. 1941 йилда у кинога тушириш учун 22 ёшли Жоан Беррини тақлиф этди ва тасодифан «эҳтиётсизлик» қилиб қўйди. Шундан кейин бу хотин Чарлини худди изкуварлардек қузатиб юрди. қўнинг ҳар қандай чоғда тақлифсиз бостириб қирар, унинг дерзаларини сиқидар. «Ҳамини ўлдираман», дея қўрқитарди. Чарли унга пул бериб ёлғини уна шаҳри Нью-Йоркка жўнатиб, қулгандаги бўлганди. Бироқ, бундай бўлиб қидди. 1943 йилнинг май ойида Бирок Лос-Анжелесга келиб, унинг эшигини сиқидириб кирди ва 30 суткалик қамоққа тушди. Бу даврда Чарли Чаплиннинг янги ишқий саргузашти бошланган эди. У америкалик машҳур драматург Юджин О. Нилингни ўн етти ёшли қизи Уна билан учрашиб турарди. Аслида бу қизга Чарлиннинг ўғиллари ҳўшомад қилиб юрардилар. Не ажабки, таърибли ота ўғилларини доғда қолдириб, 1943 йилнинг июнь ойида ўзи қалбини ва хотини Унага тақлиф этди. Шундай қилиб, Уна Чарлиннинг ҳисоб-китоб бўйича расмий никоҳиданги тўрттинча ва охириги хотини бўлди. 1952 йил Чаплин ва унинг суқюкли умр йўлдоши Уна Америка билан абадий хайрлашдилар. Улар тоғли қорлар ўраб турган, гўзал, манзарали Швейцариянинг тиңч бир шаҳарчасига қўчиб қелдилар. Шундан кейин улар яна етти фарзанд кўрдилар. Энг кейинги фарзанди улғу режиссёр 70 ёшга тўлганида дунёга келди. Авъллар қалбиниң «кушандаси» ўз қўндалигига қамтарона ёзарди: «Агар мен Унани ёки унга ўхшаб бирор аёлни аввалроқ билганимда эди, менинжон оилавий ҳаётимда ҳеч қандай муаммо бўлмасди. Узим англамаган ҳолда Унани бир умр кутдим». Аслида Час... Уна билан турмуш қурганидан кейин ҳам қурмағур Чарли «ишқибозлиғи» боис тез-тез турғин йўлдан оғиб турарди. Хориж матбуоти асосида Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ тайёрлаган.

Муассис: «Адолат» СДП Сибий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҚУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖўРАБОВ, Р. З. АҲМАДИЛИБЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МҲИДИНОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ҳ. Ф. ЖўРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. Ф. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТўРАҚУЛОВ (ўз муҳбир).

Мулоқот учун телефонлар:  
Қабулхона — 133-41-89.  
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.  
Котибият — 136-55-96.  
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

Газета Ҳабекистон Республикаси Давлат Матбуот кўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Ғ—200, Ҳажми—2 табоқ. Оқсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Набатчи — Илҳом СИДДИҚОВ  
Саҳифаловчи — Бахтияр ҚўШОҚОВ  
Газета ИВМ компьютерида терилади.  
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширишда 20.00.